



ПОЙКЕНТ - АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ШАХРИ

Ортиқов Азамат

БухДУ талабаси

Болтаев Бобир

т.ф.ф.д. (PhD)

Бухоро шаҳридан олтимиш чақирим жанубий - ғарбда Қорақўл тумани худудида қадимий шаҳарлардан бири - Пойкент шаҳри харобалари мана бир асрдан ошиқдирким археологлар нигоҳида бўлиб келмоқда.

1913 йилда Л.А. Зимин томонидан Пойкент шаҳарчасида илк археологик тадқиқотлари бошланади[1]. 1939-1940 йилларда эса шаҳарчани Россиянинг Эрмитаж музейининг илмий ходими А.Ю. Якубовский[2], 1940 йилларда В.Н.Кесаев ва В.А. Шишкин[3] каби тадқиқотчилар археологик тадқиқ этилар ва Пойкент шаҳрининг топографик харитасини яратдилар. Бу харитада шаҳар уч қисмдан иборат еканлиги кўрсатилган бўлиб: Арк қисми-майдони 1га, Шаҳристон I қисми-майдони 13га, Шаҳристон II қисми-майдони 7га.

Археологик маълумотларга кўра бу худудда бронза давридан бошлаб инсоният яшай бошлаган. Милоддан аввалги V - III асрларда инсонлар гавжумлаша бошлаган. Худди шу даврдан бошлаб шаҳар қад кўтара бошлаган. Бу вақтда шаҳар майдони 1 га ни ташкил этган. Пойкент нотўғри тўртбурчак шаклга эга бўлиб, энг қадимий қисми арк қисмидир. У милоддан аввалги IV - III асрларда барпо этилган. Милодий V - VI асрларда 1 - шаҳристон, милодий VI -VII асрларда 2 - шаҳристон барпо қилинган. Пойкент шаҳри V - VI асрларда ўз таракқиётининг юқорига босқичига кўтарилган бўлса, XI аср ўрталаридан бошлаб сув танқислиги туфайли шаҳарда ҳаёт тўхтаган. Шаҳар икки қатор девор билан ўралган. Пойкент шаҳрида мозор бўлиб, марҳумлар суяклари солинган остадонлар топилган. Пойкент шаҳри работлар ҳисобига кенгайтирилган[4]. Наршахий ёзишича Пойкентда мингдан ортиқ работ бўлган[5].

Шаҳарчада мунтазам қазишмалар ва тадқиқотлар XX асрнинг 80 йилларида ЎзФА Археология институтининг етакчи илмий ходимлари А.Р. Мухаммаджонов, Ж.Мирзаахмедовлар ҳамда Эрмитажнинг илмий ходими Г.Л.Семенов иштирокида ўтказилди[6]. Кўп йиллик қадимшунослик тадқиқотлар натижалари 1999 йилдан бошлаб чиқиб турадиган Бухоро қадимшунослик экспедициялари материалларида умумлаштирилган[7].

Шаҳарча режа бўйича турли вақтда мансуб бир қанча қисмлардан иборат. Шулардан энг қадиймиси 90x90 м ўлчамдаги арк ҳисобланади, у шаҳарчанинг бошқа қисмларидан деярли 10 м кўтарилиб туради. III-IV асрларда девор режа бўйича ўқсимон шинаклари бўлган бири-бирдан 12 м узоқликда жойлашган минораларга эга бўлган. Миноралар ўқсимон йўлаклар билан туташтирилган. V асрда аркнинг дастлабки истехкомларига шимоли-шарқ томондан янги деворлар қурилган бўлиб, улар ҳам тирқишсимон шинаклари бўлган тўртбурчак миноралар билан мустаҳкамланган[8].



Шахарча тор ва узун маҳалларга бўлинган. Кўчалари чоғроқ бўлган, ҳолбуки, айрим жойларда уларнинг эни 3,5 м гача етган. Шахарчанинг турли қисмларида қўйилган асослар шаҳар бу ён кўчаларнинг жойлашуви ўзгармаганлигини билдиради. Шаҳристон ҳудудида кўчага чиқувчи бир ёки икки йўлакчи учтадан-саккизтагача бўлган иморатлар топилди. Уйларнинг меъморий режасида аксарият хоналарни ўзаро ва кўча билан боғловчи узун йўлақлар тизимидан фойдаланилган[9].

Аркнинг шимоли-шарқий қисмида олиб борилган қазишмаларда тўрт мартаба қурилиш даврини бошидан ўтказган зардуштийлар эҳроми биноси очилган. У олтига йўлак билан қуршалган иккита марказий хонадан иборат бўлган[10].

1990-2000 йилларда истехкомда олиб борилган қазишмалар жараёнида аркда учта ёниб кетган хона топилди. Улардан бири, яъни “Нақшу нигорли хона” номини олганида бухорхудотлар хазинаси ва яшириб қўйилган қурол-аслаҳа омборхонаси топилди. Қурол-аслаҳалар билан биргаликда муҳр нишонли осма сопол ёрликлар, бухорхудотларнинг кумуш тангаси, сопол идишлар топилди. Хоналар VII-VIII асрлар бошида қурилган деб тахмин қилинади[11].

Шаҳар ташқарисига чиқариб юборилган сополчилар маҳалласи ҳудудида олиб борилган қазишмалар чоғида кўплаб қизиқарли нарсалар топилди. Ислими, хандасавий ва ҳайвонот нақшли сопол қолиплар, яшил сирланган идишлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Идишларга гул солиш учун ёпиштирма сопол қолиплар ва бурама гултўп, доира, учбурчак, арча, юлдуз, чекма, хоч, учкулоқ, гул, бодом тасвирли кўплаб қолиплар топилди. Юқори қисмида ҳайвонлар, эҳтимол оғзини очиб, думини қисиб турган ит ёки арслон тасвирли қолип қизиқарлидир[12].

Мустақиллик давридан бошлаб Ўзбекистон-Россия қўшма экспедицияси Бухоро воҳасида - Пойкент шаҳар харобасида иш олиб бормоқда. Кўп йиллик изланишлар натижасида аркда зардуштийлар ибодатхонаси очилди (эрамиз бошлари - VIII аср). Булар қаторига яна муҳим янгилик сифатида бу экспедиция аъзолари қовлаб очган ва Ўрта Осиёда исломни илк даврига оид мачит ҳамда минорани келтириш мумкин[13]. Энг муҳими ва ибратли томони бу экспедиция йиллик ҳисоботларини мунтазам нашр этишни бошлаб юборди.

Пойкент шаҳрини археологик жиҳатдан ўрганиш кейинги йилларда ҳам мунтазам давом эттирилиб келинмоқда. 2000 йилда археологлар Г.Л.Семенов, К.Ж.Мирзааҳмедов, Ш.Г.Одилов, А.В.Бехтер, П.Б.Луре, Ф.Вулфрет, А.И.Торгоев, архитекторлар: И.Зеймал, Ю.Л.Куликова; реставраторлар: Ю.Л.Степанов, П.Степановалар шаҳарда изланишлар олиб бордилар. Пойкентнинг жанубий - шарқий қисмида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида милоддан аввалги II-I асрга оид тош қуроллар топилди. Бу ҳудуддан 68 та “Терминус антекуе” ёзувли бухорхудот кумуш тангалари аниқланди. Шаҳристон-1 маконидан қадимги масжид қолдиқлари ўрганилди.

Шаҳристон-2 дан X - XI асрларга оид аҳоли манзилгоҳлари тадқиқ этилди. Жами 30x30 майдонда қазиш ишлари олиб борилиб Пойкентликларнинг яшаган уйлари қурилиш анъаналарига ойдинлик киритилди. Пойкентда уйлар Варахша, Афросиёб уйларидан фарқли равишда қурилганлиги аниқланди. Айниқса бу даврда аҳоли манзилгоҳлари бир оз ҳашамли қилиб қурилганлиги, ошхоналар уй марказида ёки чиқиш эшиги ёнида барпо этилганлиги аниқланди[14].



2001 йилги изланишлар да Тайван университети археолог аспирантлари Жон Стенли - Бейкер бошчилигида ташриф буюрди ва шаҳарнинг ғарбий қисмида изланишлар олиб борилди. Шаҳристон-1 дан асосан кўчалар қурилиш техникаси ўрганилди. Шаҳар қурилиш Бағдод шаҳрига ўхшаш бўлиб, кўчалар ўз ўрнини йўқотмаган. Шаҳристон-1 №3 кўчаси қазиб ўрганилди. Шунингдек, VII -VIII асрларга оид 218 м майдонда тўрт хонали уй қолдиқлари Н.Сапаров томонидан ўрганилди. Уйдан А.И.Тергоев томонидан араб ёзувлари тушурилган косача ҳам топилди[15]. 2002 йилда Пойкент шаҳрининг шимолий -ғарбида тадқиқотлар олиб борилди. Бу эрдан Т шаклида қурилган Шаҳристон-1 маконидан уй қолдиқлар аниқланди. Бу эрдаги уйлар Пойкент шаҳридаги янги давр уйлари бўлиб, меҳмонхона, ошхона, асосий яшаш хоналаридан иборат бўлган. Ҳар бир хона алоҳида деворлар билан ажратилган бўлиб, VI - VII аср Пойкент уйларида фарқ қилади. Ғарб қисмидаги кўча шаҳар девори бўйлаб тўлиқ давом этмаганлиги ҳам археологик тадқиқотлар давомида ўз исботини топди.

2003-2004 йилларда шаҳарнинг арк қисмида Б.Абдуллаев Н.Собировлар изланишлар олиб бордилар.

Бу ердан суяк ва темирдан ясалган қошиқ, мих ва пичоқ бўлаклари топиб ўрганилган. Шаҳристон-2 маконидан уй қолдиқлари ўрганилиб, IX - XI асрларда аҳоли ўз яшаши учун анча қулайликлар яратганлиги гувоҳи бўлинди. Жумладан, ҳар бир уйда ҳаммом, ташнау ва ҳожатхона алоҳида қилиб қуриш анъанаси ўзлаштирилди.

2005 йил Пойкент шаҳрида олиб борилган изланишлар натижасида асосан диний иншоотлар ўрганилди. Бу эрда беш вақт намоз ўқиладиган масжид топиб текширилди. Масжид иккита зал ва олтига майда хонадан иборат бўлган. Масжид олди айвон қилинган. Масжид арк ичида бунёд этилган. Шунингдек, шаҳардан лойдан ва суяқдан ясалган турли хил болалар ўйинчоқлари ҳам топилган.

Олиб борилаётган Пойкентдаги археологик тадқиқотлар шаҳар тарихи ҳақидаги улкан тарихий маълумотларни келажак авлодга қолдириш имконини берди. Лекин, шуни алоҳида такидлаш керакки Пойкентдаги қазилма ишлар ўзининг якуний босқичида эмас. Бу ҳудудда олиб бориладиган ҳар қандай янги археологик тадқиқотлар истиқболли эканлигини ҳали шаҳар тўлиқ тадқиқ этилмаганлигидан ва олдинги тадқиқотлар натижаларидан хулоса қилишимиз мукин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зимин Л. А. Развалины старого Пайкенда/ПТКЛА. Год 17. Ташкент, 1913; Зимин Л. А. Развалины старого Пайкенда в их современном состоянии// ПТКЛА. Год 18. Вып. 2. Ташкент, 1914; Зимин Л. А. Отчет о летних раскопках в развалинах старого Пайкенда// ПТКЛА. Год 19. Ташкент, 1915.
2. Якубовский А. Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. (Из дневника начальника экспедиции). ТОВЭ. Т. II. Л. 1940. стр. 113-164.
3. Шишкин В. А. Археологические работы 1937 г. В Западной ЧАСТИ Бухарского оазиса. Изд. УзФАН. Ташкент.1940.
4. Семенов Г.Л. Структура Согдийского города раннего средневековья. Т.: 1994. -Б. 166-167.
5. Наршахий. Бухоро тарихи. Т.: 1993.-Б.8.



6. Мухамеджанова А.Р., Г. Л. Семенов. Исследование городских стен Пайкенда (результаты работ 1981 г. на шахристане П). История материальной культуры Узбекистана. Вып.19. Изд. «ФАН». Ташкент. 1990. с.130.
7. Материалы Бухарской Археологической Экспедиции (МБАЭ) // Вып. II. Раскопки в Пайкенде в 2000 г. СПб., 2001; Раскопки в Пайкенде в 2003 г. Материалы Бухарской археологической экспедиции (МБАЭ). Вып. V. СПб., 2004; Раскопки в Пайкенде в 2004 г. Материалы Бухарской археологической экспедиции (МБАЭ). Вып. VI. СПб., 2005.
8. Мухамеджанова А.Р., Г. Л. Семенов. Исследование городских стен Пайкенда (результаты работ 1981 г. на шахристане П). История материальной культуры Узбекистана. Вып.19. Изд. «ФАН». Ташкент. 1990. с.130.
9. Мухамеджанов А.Р., Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Д.К., Семенов Г.Л. Городище Пайкенд. Ташкент, 1988.
10. Семенов Г.Л., Мирзаахмедов Д.К. Раскопки в Пайкенде. Археологические исследования в Узбекистане. 2001. Ташкент. 2002. С.138
11. Мирзаахмедов Д.К., Семенов Г.Л., Малкиель И.К., Бехтер А.В., Сапаров Н., Абдуллаев Б., Торгоев А.И. Исследования в Пайкенде в 2002 г. Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. Вып.№3. Ташкент. 2003.
12. Дьяконов М. М. Керамика Пайкенда. КСИИМК, XXVIII, 1949, стр. 89-93.
13. Семенов Г.А., Мирзаахмедов Д.К. Раскопки в Пайкенде в 1999 году. Материалы Бухарской археологической экспедиции, вып. I. Санкт- Петербург, 2000; Омельченко А.В. К изучению храма на цитадели Пайкенда. История материальной культуры Узбекистана. Вып.36. Ташкент. Изд. «ФАН». 2008. С.85
14. *Раскопки в Пойкенте. Т.: 2001. – С.50.*
15. *Раскопки в Пойкенте. Т.: 2003. –С.74...*